



Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш буйича

09-03/0581100000011-сонли ШАРТНОМАСИ

Газалкент шаҳри

2022 йил "18" январ

Кейинги ўринларда "Иш берувчи" деб аталадиган **Қайнарсой Қароргохи "Сувоқова"** ишлаб чиқариш корхонаси Низом асосида харакат киладиган директор **Т.М.Тилапов** бир томондан, ва Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2018 йил 19 апрелда берилган 00228-сон лицензия асосида харакат киладиган, кейинги ўринларда "Сугурталовчи" деб аталадиган «Ўзагросугурта» Акциядорлик Жамияти Тошкент вилоят филиали **Бўстонлик сугуртаси маркази** Ишончнома асосида харакат киладиган **бошқарувчи менежери Ж.А.Иномов** орқали, иккинчи томондан, ушбу шартномани қуидагилар тўғрисида туздилар:

1. Шартноманинг предмети

1. Сугурталовчи ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон корари билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш коидаларига мувофиқ сугурта ходисаси юз берган тақдирда иш берувчига, жабрланувчига ёхуд наф олувчига меҳнатда олган майиблиги, касб касаллиги ёки ходимнинг ушбу шартнома амал киладиган даврда меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлик ҳолда соглигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаётига ёки соглигига етказилган зарарни тўлаш мажбуриятини олади.

2. Сугурта пули ва сугурта мукофоти

2. Сугурта пули ушбу шартнома бўйича **2 679 284 901 (Икки миллиард олти юз етмиш туккиз миллион икки юз саксон турт минг туккиз юз бир) сўм,**

шу жумладан дафн этиш харажатлари уч минимал иш ҳаки микдорини ташкил қиласи.

3. Сугурта мукофоти ушбу шартнома бўйича **3 828 698 (Уч миллион саккиз юз йигирма саккиз минг олти юз туксона саккиз) сўм** ташкил қиласи.

4. Сугурта мукофоти ушбу шартнома тузилган санадан бошлаб беш иш куни мобайнода бир йўла тўланади.

3. Шартноманинг кучга кириши ва амал қилиш муддати

5. Ушбу шартнома томонлар имзолаган вактдан бошлаб кучга киради ва «17» январ 2023 йилгача амал қиласи.

Сугурталовчининг мажбуриятлари сугурта мукофоти сугурталовчининг хисоб рақамига тушган кундан кейинги кундаги 00 соат 00 дакикадан бошлаб кучга киради ва мажбурий сугурта қилиш бўйича сугурта полисида кўрсатилган сугурта даврининг охирги санасидаги 24 соат 00 дакикада тугайди.

6. Сугурта мукофоти иш берувчи томонидан сугурталовчининг хисоб рақамига накд пулни ўтказиш ёки киритиш йўли билан тўланади. Пул маб лағларининг сугурталовчининг хисоб рақамига тушган санаси мажбурий сугурта қилиш шартномаси бўйича сугурта мукофоти тўланган сана хисобланади.

4. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

7. Иш берувчи қуидаги хуқукларга эга:

сугурталовчидан мажбурий сугурта қилиш шартномасининг шартларини тушунтириб беришни талашиб қилиш;

сугурталовчининг сугурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;

йиллик иш ҳаки микдори камайганда сугурта мукофотининг йиллик иш ҳаки микдорининг камайишига ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш шартномасининг туталланмаган даврига мутаносиб қисмини олиш.

Иш берувчи конун хужжатларига мувофиқ бошқа хуқукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Иш берувчи:

мажбурий сугурта қилиш шартномаси бўйича ва айрим ҳолларда аннуитетлар шартномаси бўйича конун хужжатларida белгиланган шартлар асосида ва тартибда сугурта мукофотини тўлаши;

йиллик иш ҳаки микдори ўзгарган пайтдан эътиборан беш иш кунидан кечиқтирмай бу ҳакда сугурталовчига ёзма шаклда хабар қилиши;

иши берувчи томонидан амалга оширилаётган фаолият турларининг хавфлилик даражаси ўзгарган пайтдан эътиборан беш иш кунидан кечиқтирмай бу ҳакда сугурталовчига ёзма шаклда билдириши ва зарур бўлган ҳолларда, қўшимча хисоблаб чиқарилган сугурта мукофотини тўлаши;

ходимларни мажбурий сугурта қилиш шартномаси шартлари билан таништириши, шу жумладан, мажбурий сугурта шартномаси бўйича томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

сугурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича сугурталовчи ҳакидаги барча зарур маълумотларни жабрланувчи ёки наф олувчи ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат килган санадан эътиборан икки иш куни ичидан тақдим этиши;

сугурталовчини ишлаб чиқариша баҳтсиз ҳодиса юз бергандлиги тўғрисида ўзига маълум бўлган вактдан бошлаб уч иш куни мобайнода ёзма шаклда хабардор қилиши;